SUOMI
FINLAND

MADAD
MUASSASA SHAKLIDAGI NODAVLAT NOTIJORAT TASHKILOTI

UNDP

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА

ҚЎЛЛАНМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2026

УЎК 342.7-053.81(083.132)
КБК 67.404
Т 73

Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича қўлланма. Муаллифлар: Қ. Тоғаев, Ш. Мажидов. «Мадад» – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти. – Тошкент. «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2026 йил. - 104 бет.

ISBN 978-9910-8373-4-0

Тақризчилар:
А. Каримов, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази директорининг биринчи ўринбосари
П. Бабаяров, «Мадад» – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ижрочи директори ўринбосари

«Мадад» – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ижрочи директори Ш. Саидовнинг умумий таҳрири остида

Мазкур қўлланмада ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича миллий қонунчилигимизда белгиланган тартиб-тамойиллар ва уларга берилган имтиёзлар, преференциялар, субсидиялар, грантлар ва бошқа турдаги имкониятларнинг мазмун-моҳияти савол-жавоб тарзида ёритилган (қўлланмада фойдаланилган қонунчилик ҳужжатлари 2026 йил 1 августгача бўлган ҳолатида).

«Мадад» – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг масъул ходимлари томонидан тайёрланган мазкур қўлланма ёшлар, мутасадди соҳалар мутахассислари ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Ушбу қўлланма БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» лойиҳасининг кичик грантлар дастури доирасида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ҳамда Финляндия Ташқи ишлар вазирлигининг молиявий кўмагида чоп этилди.

© Қ. Тоғаев, Ш. Мажидов,
«Мадад» – муассаса шаклидаги
нодавлат нотижорат ташкилоти,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни
таҳлил қилиш ва тартибга солиш
таъсирини баҳолаш институти.
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2026 йил

МУНДАРИЖА

Кириш 4

I боб. Асосий тушунчалар 6

II боб. Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича конституциявий кафолатлар 9

III боб. Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича белгиланган имтиёзлар 11

IV боб. Ёшларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича имтиёзлар 24

V боб. Ёшларни субсидия ва грантлар асосида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари 54

VI боб. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёзлар 65

VII боб. Ёшларнинг муаммолари билан ишлашда ёшлар етакчисининг ўрни ва уларга берилган имтиёзлар 76

VIII боб. Ёшларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари 81

IX боб. Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида ёшларга берилган айрим имтиёзлар 88

X боб. Ёшлар учун белгиланган солиқ имтиёзлари 93

XI боб. Вояга етмаган шахсларнинг маъмурий ва жиноий жавобгарлиги асослари 96

КИРИШ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонланама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, юртимиз истиқболи учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Республикамизда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан таълим олиш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасида етарлича ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, бугунга қадар ёшларга оид 130 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Буларнинг барчаси ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ушбу қўлланмада ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялар, субсидиялар, грантлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларининг мазмун-моҳияти ҳамда улардан фойдаланиш тартиби савол-жавоблар шаклида, равон тилда ва тушунарли услубда ёритилган. Муҳими, унда мазкур имтиёзларни жамлаб, соҳалар бўйича ҳуқуқий асослари кўрсатилган ҳолда алоҳида-алоҳида баён қилинганлиги, ўқувчини қизиқтирган масала юзасидан саволига дарҳол жавоб топиш имкони яратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур қўлланма ёшлар, уларнинг оила аъзолари ҳамда бу соҳага масъул идоралар мутахассислари ва кенг жамоатчилик вакиллари учун ишончли ахборот манбаи сифатида хизмат қилади.

Ушбу китоб орқали ёшлар ўзларига берилган имтиёзлар ва яратилган имкониятлар ҳақида етарлича маълумотлар олиш билан бирга, зарур ҳуқуқий билимларга ҳам эга бўладилар.

I боб. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР



1-савол: Ёшлар деганда қайси тоифадаги шахслар тушунилади?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунига кўра, ёшлар деганда – ўн тўртга ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар тушунилади[1].

2-савол: Ёш оила деганда қандай оила назарда тутилади?



Жавоб: Ёш оила деганда – эр-хотиннинг ҳар иккаласи ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила, шунингдек фарзанд тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз ота ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл) тушунилади[2].

3-савол: Қайси тоифадаги ходимлар ёш мутахассислар деб ҳисобланади?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ёш мутахассис – бу олий ва ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълими муассасасини битирган ҳамда олган ихтисослиги бўйича уч йил ичида ишга кирган, шу ихти-

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. 14.09.2016. ЎРҚ-406-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/3026246

[2] Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. 14.09.2016. ЎРҚ-406-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/3026246

сослиги бўйича ишлаётганига уч йилдан кўп бўлмаган, ўттиз ёшдан ошмаган ходимлар тушунилади[3].

4-савол: Ишсиз ёшлар деганда кимлар тушунилади?



Жавоб: Ишсиз ёшлар деганда ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, уни бошлашга ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли ёшлар (таълим ташкилотларида таҳсил олаётганлар бундан мустасно)[4].

[3] Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. 14.09.2016. ЎРҚ-406-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/3026246

[4] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

II боб. ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАР



5-савол: Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича қандай конституциявий кафолатлар белгиланган?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади[5].

[5] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (2023 йил 30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6445145

III боб. ЁШЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ИМТИЁЗЛАР



6-савол: «Ёшлар дафтари» нима ва унга қайси тоифадаги ёшлар киритилади?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 312-сон қарорига кўра, «Ёшлар дафтари» — бу ижтимоий, иқтисодий қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш тизимидир.

«Ёшлар дафтари»га яшаш жойи ёки турган жойи бўйича, ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) қуйидаги тоифадаги:

– Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари;

– оиласининг ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган ёшлар (жарроҳлик амалиётисиз даволаниш ва жарроҳлик амалиёти харажатларини қоплаш ёрдами учун) киритилади[6].

7-савол: «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг бандлигини таъминлаган шахсларга қандай турдаги имтиёз тақдим этилган?



Жавоб: ҳар йили жойлардаги ҳар бир маҳалладан биттадан ариза берувчининг камида 3 нафар ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳақидаги мурожаатига асосан БҲМнинг 60 бараваригача (2026 йил 1 сентябрь ҳолатида БҲМнинг бир баравари 440 минг сўм) миқдорда грантлар ажратилади. Ариза берувчи – бу

[6] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ёки нодавлат (давлат улушига эга бўлмаган) корхона, муассаса, ташкилотлар оиласи Ижтимоий реестрга киритилган камида 3 нафар ёшларни ишга қабул қилиш ва улар меҳнат фаолиятида фойдаланиши учун илгари фойдаланилмаган (янги) асбоб-ускуна олиб бериш орқали бандлигини таъминлаш учун «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан грант ажратишни сўраб мурожаат қилади. Грант ариза берувчига бир йилда бир марта ажратилади ва у билан тузиладиган ижтимоий шартномада унинг зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

– волонтёрлик лойиҳаларида иштирок этиш;

– «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасидаги танлов ва мусобақаларнинг камида биттасида иштирок этиш;

– 6 ой давомида «Мутолаа» лойиҳаси доирасида ҳар ойда битта китоб мутолаа қилиш[7].

8-савол: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт тўгаракларига қатнашиши билан боғлиқ харажатлари қоплаб бериладими?



Жавоб: Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг ногиронлиги бўлган 14–30 ёшдаги (31 ёшга тўлмаган) аъзоси бўлган ёшлар параспорт тўгаракларига қатнашиш учун йўлкира харажатларини «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан қоплаб беришни сўраб, исталган давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) сайти ёхуд «Ёшлар ягона электрон платформаси» (e-yoshlar.uz) орқали мурожаат қилиши мумкин. Бунда ариза берувчига параспорт тўгаракларига қатнашиши учун йўлкира харажатларини қоплаб бериш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, унинг ҳақиқатда параспорт тўгаракларига

[7] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

қатнашаётганлиги Спорт вазирлигининг «ERP-sport» ахборот тизими орқали мониторинг қилиб борилади.

Ушбу мониторинг натижаларига асосан ариза берувчи тасдиқланган бир ойлик параспорт машғулотларининг:

– ярмидан кам қисмига қатнашганда, БҲМнинг 0,5 баравари (2026 йил 1 сентябрь ҳолатида БҲМнинг бир баравари 440 минг сўм);

– ярмидан кўп қисмига қатнашганда, БҲМнинг 1 баравари миқдорида йўлкира харажатлари кейинги ойнинг 5-санасига қадар туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан ариза берувчининг ижтимоий картасига ўтказиб берилади.

Агарда мониторинг жараёнида ариза берувчи параспорт тўгаракларига қатнашмаётгани аниқланганда, «маҳалла еттилиги»нинг қарорига асосан параспорт тўгаракларига қатнаш учун йўлкира харажатларини қоплаб бериш тўхтатилади[8].

9-савол: Мунтазам спорт ва санъат тўгаракларига қатнашаётган ёшлар учун яна қандай кўшимча имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг 6 ой давомида мунтазам спорт ва санъат тўгаракларига қатнашаётган 14–20 ёшдаги (21 ёшга тўлмаган) аъзоси бўлган ёшлар махсус спорт формаси, инвентарь ёки мусиқа ҳамда чолғу асбобларини харид қилишни сўраб, исталган давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) сайти ёхуд «Ёшлар ягона электрон платформаси» (e-yoshlar.uz) орқали мурожаат қилиши мумкин. Бунда ариза берувчининг сўровини қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилинганда, «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан ушбу моддий бойликлар 15 иш куни ичида БҲМнинг 10 бараваригача миқдорда харид қилиниб, унга тақдим этилади.

[8] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

Шу муносабат билан тарафлар ўртасида тузиладиган шартномада ариза берувчининг зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

- волонтёрлик лойиҳаларида иштирок этиш;
- «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасидаги танлов ва мусобақаларнинг камида биттасида иштирок этиш;
- 6 ой давомида «Мутолаа» лойиҳаси доирасида ҳар ойда битта китоб мутолаа қилиш;
- 6 ой давомида «Ибрат фарзандлари» лойиҳаси доирасида хорижий тилларни ўзлаштириш бўйича камида B1 даражага эришиш.
- Ушбу ижтимоий ёрдам фақат бир марта ажратилади[9].

10-савол: «Ёшлар дафтари»да рўйхатга бўлган ёшларнинг даволаниши билан боғлиқ харажатлари қоплаб бериладими?



Жавоб: Ижтимоий реестрга киритилган оилалар ҳамда ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваригача бўлган (2026 йил 1 июль ҳолатида минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 1 бараварi 715 минг сўм) оилаларнинг 14–30 ёшдаги (31 ёшга тўлмаган) аъзоси бўлган ариза берувчи даволаниш харажатларини қоплаб беришни сўраб, белгиланган тартибда мурожаат қилиши лозим.

Ушбу ёрдам тури айни бир ариза берувчига бир йилда бир марта ажратилади.

Бунда:

жарроҳлик амалиётисиз даволаниш учун – БҲМнинг 50 бараваригача, жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун – Давлат тиббий

[9] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

суғуртаси жамғармаси томонидан қопланиши белгиланган базавий нархлар доирасида маблағ ажратилади[10].

11-савол: «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган ёшларнинг яна қандай харажатлари қоплаб берилиши мумкин?



Жавоб: Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг 16–30 ёшдаги (31 ёшга тўлмаган) аъзоси бўлган ариза берувчи «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан «A», «B», «D» ва «DE» тоифаларидан бири бўйича автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатлари учун БҲМнинг 8 бараваригача миқдорда субсидия ажратишни сўраб, мурожаат қилиши лозим. «Маҳалла еттилиги» томонидан ариза берувчига автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилингач, етти иш куни ичида тегишли ёрдамнинг 50 фоиз қисми шартномага асосан таълим ташкилотининг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Бунда ижтимоий ёрдамнинг қолган 50 фоиз қисми ариза берувчининг ижтимоий картасига ўтказиб берилади.

Мазкур субсидия тегишли шахсга фақат бир марта тақдим этилади ва шартномага мувофиқ унинг зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

волонтёрлик лойиҳаларида иштирок этиш;

6 ой давомида «Мутолаа» лойиҳаси доирасида ҳар ойда биттадан китоб мутолаа қилиш;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олгандан сўнг бир ой ичида расмий банд сифатида иш (ўқиш) фаолиятини бошлаш[11].

---

[10] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

[11] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

12-савол: Ўқувчи-талабаларнинг қайси тоифасининг тўлов-контракт суммаси давлат томонидан қоплаб берилади?



Жавоб: Ўзбекистон Республикасида «Касбий таълим жараёнларини бошқариш» ахборот тизимидан (P-Emis) фойдаланадиган касбий таълим ташкилотларида кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган, шунингдек, олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимидан (HEMIS) фойдаланадиган давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида, мамлакатимиз ҳудудидаги хорижий олий таълим ташкилотларининг бакалавриат ва магистратурасининг кундузги таълим шаклида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, Ижтимоий реестрга киритилган оиланинг 14–30 ёшдаги (31 ёшга тўлмаган) аъзоси бўлган ариза берувчи тўлов-контракт суммасининг бир қисмини «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан қоплаб беришни сўраб, исталган давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) сайти ёхуд «Ёшлар ягона электрон платформаси» (e-yoshlar.uz) орқали мурожаат қилиши мумкин. Бунда тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, бироқ БҲМнинг 50 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда қоплаб берилиши мумкин[12].

13-савол: Ёш оилаларга турар жой ижараси учун компенсация тўлаб бериладими?



Жавоб: Ижтимоий реестрга киритилган ёш оиланинг аъзоси (эр ёки хотин) турар жой ижараси харажатлари «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади. Бунда ижара харажатлари учун 12 ойгача ҳар ойда ижара тўловларининг 50 фоизига-

[12] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

ча, бироқ БҲМнинг 2 бараваридан (Тошкент ва Нукус шаҳри ҳамда вилоятлар марказларидаги турар жой ижараси учун БҲМнинг 3 бараваридан) кўп бўлмаган миқдорда маблағ ажратилади. Ушбу имтиёздан фойдаланиш учун ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилалар исталган давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) сайти ёхуд «Ёшлар ягона электрон платформаси» (e-yoshlar.uz) орқали мурожаат қилиши лозим бўлади[13].

14-савол: Ёшларнинг ўқув курсларида ўқиши билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби қандай?



Жавоб: Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг 14–30 ёшдаги (31 ёшга тўлмаган) аъзоси бўлган шахснинг аризасига асосан унинг 6 ойгача тадбиркорлик, анъанавий ва замонавий касбларни, ахборот технологияларни ва хорижий тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларидаги ўқиш харажатлари ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади[14].

15-савол: Ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларга қандай йўналишлардаги ўқув курслари учун субсидия ажратилиши мумкин?

Жавоб: Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг 14–30 ёшдаги (31 ёшга тўлмаган) аъзоси бўлган ариза берувчининг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги муддатли ўқув курсла-

[13] Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

[14] Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791



ридаги ўқиш харажатлари «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

Шунингдек, илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг маҳаллий босқичларида иштироки билан боғлиқ яшаш ва транспорт харажатлари учун БҲМнинг 4 бараваригача, шу турдаги тадбирларнинг халқаро босқичларида қатнашиш билан боғлиқ харажатлари учун БҲМнинг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади.

Ушбу ижтимоий ёрдам турларидан фойдаланиш учун ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар исталган давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) сайти ёхуд «Ёшлар ягона электрон платформаси» (e-yoshlar.uz) орқали мурожаат қилиши лозим[15].

16-савол: Ёшларнинг сафарбарлик чақируви бўйича хизматни ўташ бадалини қоплаб бериш тартиби қандай?



Жавоб: Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак аъзосининг мурожаатига кўра, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни бепул ўташи учун тавсиянома берилади. Тавсиянома айни бир нафар ёшга фақат бир марта берилади ва ўзаро тузиладиган ижтимоий шартномага мувофиқ унинг зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

волонтёрлик лойиҳаларида иштирок этиш;

6 ой давомида «Мутолаа» лойиҳаси доирасида ҳар ойда битта китоб мутолаа қилиш;

6 ой давомида «Ибрат фарзандлари» лойиҳаси доирасида хорижий тилларни ўзлаштириш бўйича камида B1 даражага эришиш;

[15] Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаганидан сўнг бир ой ичида расмий секторда иш (ўқиш) фаолиятини бошлаш[16].

17-савол: Ёшлар учун нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этган шахслар учун қандай имтиёзлар мавжуд?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, ёшларга таълим, хорижий тиллар, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган чекка ва олис ҳудудлардаги қишлоқ жойларда ташкил этилган нодавлат таълим ташкилотининг раҳбари ўз фаолиятини амалга ошириш учун нотурар жой ижараси ёки зарур жиҳозлар билан таъминлаш харажатлари «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан йилига бир марта БҲМ 50 бараваригача миқдорда қоплаб берилади. Бунда нодавлат таълим ташкилотида ўқиётган жами ўқувчиларининг камида 20 фоизини Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг фарзандлари ташкил этиши ва ижарага берувчи билан ижарага олувчи ўзаро яқин қариндош бўлмаслиги талаб этилади[17].

18-савол: Ижтимоий шартнома нима ва қандай тартибда тузилади?

Жавоб: Ижтимоий шартнома – бу Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг ёш аъзоларига кўмак чораларининг муайян мажбуриятларни бажариш шарти билан кўрсатилишини назарда тутувчи шартнома ҳисобланади. Бунда ижтимоий ёрдамдан фойдаланувчи

[16] Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

[17] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791



ёшлар шартнома бўйича белгиланган муайян вазифаларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ижтимоий шартнома тегишли маҳалладаги ёшлар етакчиси ҳамда ариза берувчи (ўн олти ёшгача бўлганлар учун уларнинг номидан ота-онаси ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар) ўртасида «Ёшлар ягона электрон платформаси»да тузилади[18].

19-савол: Шартнома шартларини бажаришда юқори натижаларга эришган ёшлар рағбатлантирилиши мумкинми?



Жавоб: Олти ой давомида ижтимоий шартнома шартларини мунтазам ойлик бажариш кўрсаткичлари «аъло» даражада бўлган ёшлар «Ёшлар дафтари» жамғармасидан ёрдам олиш мақсадида мурожаат қилганида, уларнинг мурожаати имтиёзли равишда тегишли Регламентда белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ижтимоий ёрдам кўрсатилади ҳамда уларнинг ташаббускорлиги ва фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган мукофотларга тавсия этилади.

Бундан ташқари, камида олти ой давомида ижтимоий шартнома шартларини «аъло» даражада бажарган, ҳар ойлик кўрсаткичларининг умумий йиғиндисини тегишли ойлар сонига бўлганда ўртача ойлик кўрсаткичлари энг юқори бўлган 1 000 нафаргача ёшлар ҳар йили Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан БҲМнинг 3 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади[19].

[18] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

[19] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

20-савол: Ижтимоий шартнома шартларини лозим даражада бажармаган шахсларга нисбатан ёшларга қандай чоралар қўлланиши мумкин?



Жавоб: Ёшларга имтиёзли ёрдам турларини тақдим этиш тўғрисида тузилган шартнома шартлари бўйича белгиланган талаблар «бажарилмаган» ёки «лозим даражада бажарилмаган» кўрсаткичлар қайд этилганда (бир ойлик кўрсаткич 0–60 балл бўлганда), шартнома бўйича ариза берувчининг мажбуриятларини бажариш муддати бошланган санадан бир ойдан сўнг кетма-кетликда қуйидаги чоралар қўлланади:

– ёшлар етакчиси томонидан «Ёшлар ягона электрон платформаси» орқали ижтимоий шартноманинг бажарилмаган шартларини ўн беш кун ичида бажариш лозимлиги тўғрисидаги огоҳлантириш хати берилиши;

– огоҳлантириш хати берилган санадан бир ойдан сўнг шартнома шартлари яна «бажарилмаган» ёки «лозим даражада бажарилмаган» деб топилганда, ариза берувчи «Ёшлар дафтари»дан чиқарилиши ҳамда уни кейинчалик «Ёшлар дафтари»га киритиш ва «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатишга бир йил муддатга чеклов қўйилиши;

– ижтимоий ёрдам ажратилган санадан бир ойдан сўнг ариза берувчи томонидан ижтимоий шартнома шартлари «бажарилмаган» ёки «лозим даражада бажарилмаган» деб топилганда, «Ёшлар дафтари»дан чиқарилади ҳамда уни «Ёшлар дафтари»га киритиш ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга бир йил муддатга чеклов қўйилади[20].

[20] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

21-савол: Яна қандай ҳолатлар «Ёшлар дафтари» рўйхатидан чиқариш учун асос бўлади?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, ёшлар қуйидаги ҳолларда «Ёшлар дафтари» рўйхатидан чиқарилиши мумкин:

– ёшлар учун белгиланган амалий ёрдам кўлами тўлиқ кўрсатилганда;

– ушбу шахс тўлиқ давлат таъминотига олинганда;

– ўз аризасига кўра;

– «Ёшлар дафтари»га ноқонуний кирганлиги аниқланганда;

– ишлаш ёки доимий яшаш учун чет элга чиқиб кетганига уч ойдан кўп вақт ўтганида;

– суднинг озодликдан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукми қонуний кучга кирганда;

– вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

«Ёшлар дафтари»дан чиқарилган ёшларга бир кун ичида бу ҳақида СМС-хабарнома юборилади[21].

[21] «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6051791

IV боб. ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР



22-савол: Талаба-ёшларга таълим кредитлари қандай тартибда ажратилади?



Жавоб: Таълим кредити таълим муддати бир йил ва ундан ортиқ муддатни ташкил этувчи барча олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари мамлакатимиз ҳудудидаги хорижий олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари)да ва қўшма таълим дастурлари бўйича бакалавр ҳамда магистратуранинг кундузги таълим шаклида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилади. Таълим кредитлари бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратура талабаларига 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб таълим кредити иккинчи ва ундан юқори босқич талабалари учун фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи (grade point average):

«3» дан паст бўлган тақдирда, тўлов-контракт суммасининг кўпи билан 80 фоизи миқдорида, бироқ кредит тўлов-контракт суммасининг дастлабки 20 фоизи талаба томонидан тўлангандан кейин ажратилади;

«3» ва ундан юқори бўлган тақдирда ва (ёки) «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилаларнинг таълим олаётган аъзолари учун таълим кредити тўлов-контракт суммаси миқдорида ажратилади.

Таълим кредитини олиш учун талаба-ёшлар тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда «Ягона интерактив давлат хизматлари» (my.gov.uz) портали ёхуд «talim-krediti.mf.uz» сайти ёки банкларга бевосита мурожаат қилишлари лозим бўлади.

Таълим кредитининг асосий қарзи талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади[22].

[22] «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари орқали олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини ажратиш тартиби тўғрисида низом». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги 527-сон қарори билан тасдиқланган. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5586538

23-савол: Ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказиладиган олимпиада ғолиблари қандай тартибда рағбатлантирилади?



Жавоб: Мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар асосий фан олимпиадасининг учинчи босқичи (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида) ва тўртинчи босқичи (республика миқёсида) да ғолиб бўлган ўқувчилар пул мукофоти билан тақдирланади. Бунда олимпиаданинг учинчи босқичида ғолиб бўлган ҳар бир ўқувчига қуйидаги миқдорда пул мукофотлари берилади:

- 1-ўринни эгаллаган ўқувчига – базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баравари;
- 2-ўринни эгаллаган ўқувчига – базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари;
- 3-ўринни эгаллаган ўқувчига – базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари.

Шунингдек, олимпиаданинг тўртинчи босқичида ғолиб бўлган ҳар бир ўқувчига қуйидаги миқдорда пул мукофотлари берилади:

- 1-ўринни эгаллаган ўқувчига – базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баравари;
- 2-ўринни эгаллаган ўқувчига – базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баравари;
- 3-ўринни эгаллаган ўқувчига – базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баравари.

Бундан ташқари, олимпиаданинг тўртинчи босқичида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган ўқувчиларга ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомида амал қилувчи диплом топширилади[23].

[23] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда халқаро олимпиадалар иштирокчиларини саралаш ва ғолибларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги низом. ВМҚ-562-сон. 09.09.2021. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5621189

Шу жумладан, халқаро олимпиадалар (немис, француз ва инглиз тиллари, халқаро география, иқтисод ва астрономия олимпиадалари)да совриндор бўлган ўқувчи-ёшлар:

- биринчи ўрин (олтин медаль) учун – БҲМнинг 150 баравари;
- иккинчи ўрин (кумуш медаль) учун – БҲМнинг 100 баравари;
- учинчи ўрин (бронза медаль) учун – БҲМнинг 50 баравари[24].

Нуфузли халқаро олимпиадалар (математика, физика, кимё, биология ва информатика олимпиадалари)да совриндор бўлган ўқувчи-ёшлар қуйидаги:

- биринчи ўрин (олтин медаль) учун – БҲМнинг 2500 баравари;
- иккинчи ўрин (кумуш медаль) учун – БҲМнинг 1500 баравари;
- учинчи ўрин (бронза медаль) учун – БҲМнинг 1000 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланадилар[25].

24-савол: Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро математика олимпиада ғолиби бўлган талаба-ёшлар қандай тартибда рағбатлантирилади?



Жавоб: Мазкур олимпиада ғолиблари 1:2:3 нисбатда олтин, кумуш ва бронза медаллари билан, иштирокчилар эса дипломлар билан тақдирланадилар. Шунингдек, махсус ва рағбатлантирувчи совринлар сони олимпиада ташкилий қўмитаси томонидан белгиланади[26].

[24] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. ПҚ-346-сон. 30.09.2024. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7145231

[25] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. ПҚ-346-сон. 30.09.2024. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7145231

[26] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Математика фани бўйича Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом. ВМҚ-686-сон. 26.08.2018. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/3881652

Бундан ташқари, олимпиада ғолиблари, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари республика олий таълим муассасаларининг магистратурасига тегишли мутахассисликлар (математика, физика, ахборот технологиялари, шунингдек, муҳандислик-техник профиль таълими) бўйича қабул квоталаридан ташқари давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Бу ҳуқуқ уларда олий таълим муассасасининг бакалавриатини тамомлаган кундан бошлаб уч йил давомида сақланиб қолади[27].

25-савол: Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган ёшларга таълим олиш бўйича қандай имтиёзлар белгиланган?

Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган қуйидаги ёшларга олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш бўйича:

Ёшлар иттифоқининг сардорлари;

Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотларидаги йўналиш етакчилари;

Ёшлар иттифоқи тизимида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган фидойи ёшларга танлов асосида тавсияномалар берилади.

Маълумот учун: Тавсиянома фақат тақдим этилган йил учун амал қилади ва республикамизда жойлашган хорижий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди[28].

[27] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Математика фани бўйича Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом. ВМҚ-686-сон. 26.08.2018. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/3881652

[28] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш бўйича тавсияномалар бериш тартиби тўғрисида»ги низом. ВМҚ-914. 14.11.2017. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/3409650

26-савол: Халқаро ва республика танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган ўқувчилар учун қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, катталар ва ёшлар ўртасида Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурларига киритилган спорт турлари бўйича Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида охирги тўрт йилда, жаҳон ва Осиё чемпионатларида охирги бир йилда ғолиб ва совриндор (1 – 3 ўрин) бўлган умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус профессионал таълим муассасаларининг битирувчилари олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга имтиҳон синовларисиз қабул қилинади.

Шунингдек, мусиқа, рақс, театр, фольклор, шу жумладан тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларидаги республика (1-ўрин) ва халқаро танловларда (1 – 3-ўринлар) ғолиб чиққан профессионал таълим муассасалари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлари ва умумтаълим мактабларининг битирувчиларига олий таълим муассасаларининг касбий (ижодий) имтиҳонларида соҳа бўйича энг юқори балл белгиланган фандан максимал балл олиш имтиёзи берилади.

Бундан ташқари, Республика (1-ўрин) ва халқаро (1 – 5-ўринлар) шахмат ва шашка турнирларида ғолиб чиққан академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари битирувчилари педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасасига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Бунда халқаро бадиий-ижодий танловлар, Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларининг ғолиблари ўзларининг таълим муассасасига кириш бўйича имтиёзли ҳуқуқларидан уч йил мобайнида, республика танловлари ва мусобақалари ғолиблари эса – улар

ўтказилган кундан бошлаб бир йил мобайнида фойдаланишлари мумкин[29].

27-савол: Давлат стипендиялари соҳиби бўлган бакалавриат босқичи талабаларига қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиби бўлган талабалар бакалавриатни тугатгандан сўнг икки йил мобайнида, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Ислом Каримов, Бобур, Паҳлавон Маҳмуд, Абдулла Авлоний, Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов номли давлат стипендиялари соҳиби бўлган талабалар эса бакалавриатни тугатганидан сўнг бир йил мобайнида тегишли мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинадилар[30].

28-савол: Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига сазовор бўлган магистратура босқичи талабаларига қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига сазовор бўлган талабаларга ҳар йили, 1 сентябрдан бошлаб, белгиланган миқдорлар асосида стипендия тайинланади.

[29] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Халқаро ва республика танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, профессионал таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисида»ги низом. ВМҚ-226-сон. 13.10.2008. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/1399382#3261535

[30] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Халқаро ва республика танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, профессионал таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисида»ги низом. ВМҚ-226-сон. 13.10.2008. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/1399382#3261535

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиблари бўлган магистратура босқичи талабалари олий таълим муассасасини битиргач, икки йил давомида таянч докторантурага кириш имтиҳонларисиз Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қабул қилинади[31].

29-савол: Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига сазовор бўлган докторантлар учун қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига сазовор бўлган таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантларга стипендиялар ҳар йили докторантнинг охирги курсидаги ўқиш даври учун, стипендиянинг икки баробари миқдорида *(2026 йил 1 октябрь ҳолатида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5,377 коэффициенти миқдорида: 7 млн 312 минг сўм)* тайинланади.

30-савол: Ногиронлиги бўлган талаба-ёшларга қандай тартибда стипендия тайинланади?



Жавоб: 1 ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган, шу жумладан, тўлов-контракт асосида таълим олувчи талабаларга стипендия тўловлари республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ўтган ўқув семестри якуни бўйича фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларидан қатъи назар, уларга стипендиянинг базавий

[31] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Халқаро ва республика танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, профессионал таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисида»ги низом. ВМҚ-226-сон. 13.10.2008. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/1399382#3261535

миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (оширилган) миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади[32].

31-савол: Олий таълим муассасасида таҳсил олаётган етим болалар ва уларнинг сирасига кирувчи талабаларга стипендиялар қандай тартибда тўланади?



Жавоб: Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабаларга Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (оширилган) миқдорларда стипендия тайинланади ва тўлаб берилади[33].

32-савол: Олий таълим муассасасида таҳсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга нисбатан қандай имтиёзлар мавжуд?



Жавоб: Алоҳида қобилият ва иқтидор эгаси бўлган, жамоат ишларида фаол, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож олий таълим муассаси талабалари учун белгиланган стипендияларга нисбатан 50 фоизгача юқори миқдорда Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча тўловлар амалга оширилади[34].

---

[32] «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/4725554

[33] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом. ВМҚ-59-сон. 31.01.2020. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/4725554

[34] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом. ВМҚ-59-сон. 31.01.2020. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/4725554

33-савол: Хорижий тиллар бўйича халқаро сертификат олган талабалар учун ҳам маълум имтиёзлар мавжудми?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, хорижий тиллар бўйича камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификат олганига икки йилдан ошмаган ёшларга олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда чет тилларига ихтисослашган ўқув марказларини ташкил этишида молиявий ёрдам берилади. Яъни уларга Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси томонидан олти ойлик имтиёзли давр билан уч йил муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг 320 бараваригача миқдорда фоизсиз ссуда ажратилади[35].

34-савол: Камбағал оилаларнинг фарзандлари таълим олиши учун қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ҳозирда «Эл-юрт умиди» жамғармасининг янги стипендия йўналиши сифатида «Ёрқин истеъдод» лойиҳаси жорий этилган бўлиб, ҳар йили иқтидорли, билимга чанқоқ, оғир оилавий шароити сабабли ўқиш имкониятига эга бўлмаган, камбағал оилалар фарзандларини хорижда ўқитиш мақсадида жойлардан саралаб олинган фаол ёшларнинг иқтидорини аниқлаш орқали уларни салоҳиятига мос хорижий олийгоҳларга юбориш учун тайёргарлик курсларида ўқитилади. Мазкур ўқув курсларидан муваффақиятли ўтган ёшлар нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 100 талик рўйхатига киритилган хорижий олий таълим муассаса-

[35] «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 мартдаги ПФ–61-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7451522

ларига бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқишга юборилади, уларнинг ўқиш ва яшаш харажатлари қоплаб берилади[36].

35-савол. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари учун қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳалари ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли хотин-қизларга берилади ҳамда уларга БҲМнинг 50 баравари миқдорида пул мукофоти топширилади.

Шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари бўлган ўқувчилари олий таълим муассасаларининг бакалавриатига, бакалавриат талабалари эса магистратурага тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида ўқишга қабул қилинади[37].

36-савол. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга таълим муассасаларига ўқишга киришда қандай имтиёзлар тақдим этилган?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ тавсияномалар Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича юксак натижаларга

[36] «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 мартдаги ПФ–61-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7451522

[37] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги»Фармони. ПФ-2326-сон. 10.06.1999. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/213812

эришган, зарурий билим савиясига эга бўлган, энг муносиб ҳарбий хизматчиларга берилади.

Тавсияномага эга абитуриентлар:

республиканинг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра ўзлари тўплаган балларининг 50 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга;

олий таълим муассасалари (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалавриатига ўқишга кириш учун ОТМга қабул параметрларидан ташқари ажратиладиган алоҳида қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар[38].

37-савол: Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари таълим олиши учун қандай имтиёзлар мавжуд?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 462-сон қарори билан Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг фарзандларига ҳам таълим муассасаларига ўқишга киришда алоҳида имтиёзлар белгиланган.

Жумладан, Қуролли Кучлар ҳарбийлари ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идораларнинг ходимлари фарзандларининг квота асосида республика олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар берилади.

Тавсияномалар:

мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган, жанговар-хизматда ва илмий фаолиятда муайян натижаларга эришган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар (идоралар)нинг ҳақиқий хизматни ўтаётган офицер-

[38] Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. 31.01.2020 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3215. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4723315

ларига, сержантлар ва оддий аскарлар таркибига мансуб бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга ва Миллий гвардия ходимларига;

ҳарбий хизмат мажбуриятини (хизмат мажбуриятини) бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда ҳарбий хизмат мажбуриятини (хизмат мажбуриятини) бажариш чоғида яradор бўлиши, контузия, шикастланиш ёки касалликлар оқибатида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг офицер, сержант ва оддий аскарлар таркибига мансуб бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ва Миллий гвардия ходимларининг фарзандларига берилади[39].

38-савол: «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланган ўқувчи-ёшлар учун қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади. «Мард ўғлон» давлат мукофоти ўқишдаги муваффақиятлари, ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган иқтидорли йигитларга фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳаларида ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун берилади.

Шунингдек, «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти топширилади.

Бундан ташқари, «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари бўлган умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассаса-

[39] «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идораларнинг ходимлари фарзандларининг квота асосида республика олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисида низом». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 462-сон қарори билан тасдиқланган. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/3792247#3794848

ларининг ўқувчилари олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичига, олий ўқув юртлари талабалари ёки бакалавр даражасига эга ёшлар эса магистратура босқичига кириш имтиҳонларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар[40].

39-савол: Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига таълим муассасаларига ўқишга киришда имтиёзлар мавжудми?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, ички ишлар органларининг ходимлари, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Божхона қўмитасининг олий (магистратура, иккинчи ва олий таълим муассасасидан кейинги таълимдан ташқари) ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома берилади. Бунда ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимларнинг фарзандларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 февралдаги ПҚ–4212-сон қарорига мувофиқ давлат гранти асосида республика олий таълим муассасалари бакалавриатига (иккинчи таълимдан ташқари) умумий белгиланган қабул кўрсаткичлари квотасидан ташқари ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Божхона қўмитасининг олий (магистратура, иккинчи ва олий ўқув юртидан кейинги таълимдан ташқари) ва ўрта махсус таълим муассасаларига (дастлабки ва касбий танлов натижаларига асосан) киришда курсант (ўқувчи)ларнинг умумий қабул сонидан ажратилган беш фоизли қабул квотаси доирасида танловда иштирок этиш имтиёзи берилади.

[40] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. ПҚ-3402. 21.11.2017. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/3418697

Шунингдек, юқорида таъкидланган қарорга мувофиқ республика давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриатига (иккинчи таълимдан ташқари) кириш имтиҳонларисиз давлат гранти асосида ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Божхона қўмитасининг олий (магистратура, иккинчи ва олий ўқув юртидан кейинги таълимдан ташқари) ва ўрта махсус таълим муассасаларига дастлабки ва касбий танлов натижалари асосида қабул квоталаридан ташқари ўқишга кириш имтиёзи берилади. Ушбу тавсияномалар берилган кундан эътиборан 3 йил муддатга амал қилади[41].

40-савол: «Ижтимоий реестр»га киритилган оила фарзандларига таълим муассасаларига ўқишга киришда қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: «Ижтимоий реестрга» киритилган оила фарзандлари учун бакалавриат таълим йўналишларига ажратилган давлат гранти асосидаги қабул параметрларига нисбатан 10 фоизгача бўлган миқдорда қўшимча давлат гранти бўйича қабул параметрлари ажратилади.

Ушбу «Ижтимоий реестрга» киритилган оила фарзандлари учун ажратиладиган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларининг бакалавриат таълим йўналишлари кесимидаги тақсимоти Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Бунда муайян бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим грантига ўтиш баллининг 80 фоизи ва ундан юқори балл тўплаган оилаларнинг фарзандлари ажратилган давлат гранти асосидаги қабул параметрлари доирасида баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилинган ҳолда талабаликка тавсия этилади.

Мазкур имтиёз:

[41] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби тўғрисида»ги низом. ВМҚ-354. 04.07.2022. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6093393#6096513

абитуриент рўйхатдан ўтишда танлаган биринчи бакалавриат таълим йўналишига нисбатан қўлланади;

муайян ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишига киришда Давлат комиссияси томонидан таълим грантига белгиланган минимал ўтиш балидан паст балл тўплаган абитуриентларга нисбатан қўлланмайди[42].

41-савол: Амалдаги қонунчиликда «International Baccalaureate» сертификатларига эга ёшларга қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: «B» ва ундан юқори даражадаги «A level» ҳамда 32 ва ундан юқори баллга тенг «International Baccalaureate» сертификатларига эга бўлган абитуриентлар сертификат берилган фан кириш имтиҳонлари таркибида мавжуд бакалавриат таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига базавий тўлов-контракт миқдори асосида қўшимча равишда ўқишга қабул қилинади[43].

42-савол: «Scholastic Aptitude Test – SAT» халқаро сертификатини олган ўқувчи-ёшлар учун таълим соҳасида маълум имтиёзлар белгиланганми?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, «College Board» ташкилоти томонидан ўтказиладиган «Scholastic Aptitude Test – SAT» халқаро имтиҳонида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 75 фоизи – 1 200 балл ва ундан юқори натижадаги сертификатга эга аби-

[42] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. ВМҚ-578-сон. 13.09.2025. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7726569

[43] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. ВМҚ-578-сон. 13.09.2025. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7726569

туриентлар сертификат берилган фан кириш имтиҳонлари таркибида мавжуд бакалавриат таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади[44].

43-савол: Умумтаълим фанлари ва чет тилидан миллий ёки халқаро сертификатларга эга ўқувчи-ёшларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга киришида имтиёзлар мавжудми?



Жавоб: Умумтаълим фанлари ва чет тилидан миллий ёки халқаро сертификатларнинг амал қилиш муддатини ҳисобга олишда абитуриент рўйхатдан ўтган сана инобатга олинади. Бунда:

умумтаълим фанларидан B+, B, C+, C даражадаги миллий сертификатга эга абитуриентлар рўйхатдан ўтишда ушбу сертификатдан мутахассислик фани учун фойдаланишни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин;

сертификатдан фойдаланишни тасдиқлаган абитуриент ушбу фандан тест синови топширмайди ва унга шу фан бўйича сертификатдаги фоизга мос равишда балл берилади;

сертификатдан фойдаланишни рад этган абитуриент умумий тартибда тест синовида иштирок этади;

сертификат мажбурий фанлардан бири бўйича олинган бўлса, абитуриент сертификатдан мутахассислик фани учун фойдаланишни тасдиқлаши ёки рад этишидан қатъи назар, унга тегишли мажбурий фандан максимал балл берилади ва у бу фан бўйича тест синови топширмайди;

умумтаълим фанлари (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти фанлари бундан мустасно) бўйича миллий ёки халқаро сертификатга эга абитуриентлар имтиҳонни

[44] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. ВМҚ-578-сон. 13.09.2025. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7726569

қайси тилда топширишидан қатъи назар, белгиланган тартибда имтиёз қўлланилади[45].

44-савол: Кўзи ожиз ёшлар қандай тартибда ўқишга қабул қилинади?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, кўзи ожиз 1 ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган ёшлар олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини таълим йўналишлари бўйича фанлар мажмуасига мос келувчи кўп балли ёки беш балли баҳолаш тизими бўйича, анъанавий шаклда топширадилар. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган (кўп балли тизимда баҳоланганда – максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан юқори балл олган, беш балли баҳолаш тизимида баҳоланганда – «3», «4» ёки «5» баҳо олган) абитуриентлар Давлат комиссияси қарорига мувофиқ олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан танловсиз, қўшимча давлат гранти асосида талабаликка қабул қилинади[46].

45-савол: «Ниҳол» мукофоти совриндорларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун қандай имтиёзлар берилган?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 9 августдаги 169-сон қарорига мувофиқ жами бешта номинация – эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, опера ижрочилиги ва рақс санъати бўйича танлов ғолибларига «Ниҳол» мукофоти топ-

[45] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. ВМҚ-578-сон. 13.09.2025. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7726569

[46] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. ВМҚ-578-сон. 13.09.2025. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7726569

ширилади. Ушбу мукофотга сазовор бўлган ёшлар маданият, санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади (ансамбль, жамоа сифатида иштирок этганлар бундан мустасно)[47].

46-савол: «Тарбиячи» ва «Ҳамшира» танловлари ғолиблари бўлган ёшларга таълим соҳасида қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан ўтказиладиган «Тарбиячи» ва «Ҳамшира» республика танловлари ғолиблари Давлат комиссиясининг қарори билан мос бакалавриат таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади[48].

47-савол: Яна қайси тоифадаги ёшларга ўқишга киришда қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин?



Жавоб: Меҳрибонлик уйлари, кичик ҳажмли болалар уйлари, болалар шаҳарчалари, SOS – болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйларининг битирувчилари;

васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар;

[47] «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисида низом». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 9 августдаги 169-сон қарори билан тасдиқланган. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/1039886

[48] «Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7726569

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилингани, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилгани сабабли ота-она ёки ёлғиз она қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, топиб олинган (ташлаб кетилган) ота-онаси номаълум бўлган болалар;

никоҳда бўлмаган онанинг (ёлғиз онанинг) вафот этгани сабабли боқувчисиз қолган болалар учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул параметрлари ажратилади[49].

48-савол: Халқаро имтиҳон тизимлари сертификатларига эга ўқувчи-ёшларга қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, Илғор халқаро имтиҳон тизимлари (TOEFL, IELTS, CEFR, SAT General, SAT Subject ва ҳоказо) сертификатларига эга бўлган ёшлар олий таълим муассасаларига ўқишга киришда мазкур фан доирасида тестдан озод этилади ва уларга бу фандан максимал балл берилади[50].

49-савол: Ёш хотин-қизларнинг таълим олиши учун қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги 322-сон қарорига кўра, мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажи мавжуд, бироқ олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар тегишли тавсияномага асосан давлат олий таълим

[49] «Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7726569

[50] «Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 468-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4368106#4373118

муассасаларига алоҳида қабул параметрлари доирасида танлов натижаларига кўра тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Бундай тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар ўртасида алоҳида тест ўтказилади, улар орасидан юқори балл тўплаган 500 нафар хотин-қизлар олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинади[51].

50-савол: Эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга таълим олиши учун қандай имтиёзлар тақдим этилган?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг тавсияномасига эга эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар учун олий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча 4 фоизли грант ажратилади.

Бунда кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизидан кам бўлмаган балл тўплаган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар баллар кетма-кетлигига қатъий риоя этилган ҳолда, қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида талабаликка тавсия этилади[52].

51-савол: «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати ҳамда бошқа ҳарбий-спорт, «Шижоат ва ғайрат» мусобақаларининг ғолибларига олий таълим муассасаларига ўқишга киришда имтиёзлар мавжудми?

Жавоб: Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги «Ватан таянчи» ҳаракатининг фаолиятида фаол иштирок этган ҳамда таълим таш-

[51] «Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш ҳақида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги 322-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6056269

[52] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. ВМҚ-402. 23.06.2020. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/4866624



килотларини аъло баҳолар билан тамомлаган, ҳар бир «Ватан таянчи» отрядининг бир нафар аъзосига ҳамда «Ватанпарварлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ва маҳалла ёшлари ўртасида ўтказиладиган «Шижоат ва ғайрат» мусобақаларининг республика босқичи ғолибларига Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг олий ҳарбий таълим ҳамда олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсияномалар берилади.

Бундай тавсияномаларга эга бўлган «Ватан таянчи» отряди аъзолари олий ҳарбий ҳамда олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовлари ёки якка тартибдаги якуний суҳбат натижаларига кўра, тўплаган балларининг 5 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклида имтиёзга эга бўладилар.

Маълумот учун. «Ватан таянчи» ҳаракатининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун берган тавсияномалари берилган санадан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади[53].

52-савол: Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл тўплаган ёшларнинг қандай турдаги харажатлари қоплаб берилиши мумкин?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги 209-сон қарорига кўра, 18 та хорижий тиллар бўйича имтиҳон топшириш харажатлари компенсация қилиниши учун тўпланиши лозим бўлган юқори баллнинг (даражанинг) минимал кўрсаткичига эришган ва халқаро сертификатга эга бўлган ёшларнинг имтиҳон харажатлари компенсация асосида пул маблағлари тўлаб берилади. Бунда имтиҳон топшириш пайтида ўттиз бир ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва

[53] «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 мартдаги ПҚ–150-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5887204

мамлакатимизда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган, имтиҳон топшириш харажатини компенсация қилишни сўраб жисмоний шахс (ўн олти ёшга тўлмаган шахс номидан унинг қонуний вакили) давлат хизматлари марказларига мурожаат этиши ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my.gov.uz)да давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиб электрон мурожаат юбориб қўйиши лозим[54].

53-савол: Замонавий ахборот технологиялари соҳасида таълим олган ўқувчи-ёшларга қандай имтиёзлар тақдим этилган?



Жавоб: «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган, шунингдек, IT-парк резидентининг ўқувчиси ёки битирувчиси бўлган 31 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга компьютер хариди учун истеъмол кредити бўйича Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан жамғарма кафиллиги берилади ва/ёки ушбу кредитнинг фоиз тўловлари компенсация қилинади.

Ушбу имтиёздан фойдаланиш учун манфаатдор шахслар исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали сертификатни илова қилган холда мурожаат қилиши лозим[55].

---

[54] «Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартибини жорий этиш тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги 209-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5370812#5376746

[55] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори. ВМҚ-617. 26.10.2022. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6252503

54-савол: Қайси тоифадаги талаба-ёшларга ётоқхоналарга жойлашишида устуворлик берилади?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, қуйидаги тоифадаги талабалар устуворлик асосида талабалар турар жойларига қабул қилинади:

- «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабалар;
- «Ижтимоий реестр», «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг аёл фарзандлари;
- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган талабалар;
- бир оиладан бакалавриат босқичи кундузги таълим шаклида икки ёки ундан ортиқ тўлов-шартнома асосида ўқиётган оилалар фарзандлари;
- халқаро ва республика фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган талабалар;
- «Йил талабаси» ва «Талабалар театр студиялари» кўрик-танловларининг республика босқичи ғолиби бўлган талабалар;
- олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган «Заковат» интеллектуал ўйинининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган талабалар;
- талабалар турар жойи талабалар кенгаши раиси, қават сардори бўлган талабалар[56].

[56] «Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/6568679

55-савол: Ижара асосида яшаётган талаба-ёшларнинг ижара тўловлари қоплаб бериладими?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон қарорига мувофиқ ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига ёки ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг ойлик ижара тўловининг бир қисми Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари *(2026 йил 1 сентябрь ҳолатида БҲМнинг бир баравари 440 минг сўм),* қолган ҳудудларда базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб берилади[57].

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган талабаларга олий таълим ташкилотининг Васийлик кенгаши томонидан талабалар турар жойи учун тўловлар бўйича қўшимча имтиёзлар белгиланиши мумкин.

56-савол: Амалдаги қонунчиликда талаба-ёшларга яна қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган, республика олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабалар жорий ўқиш йилида Ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти фаолиятида фаол қатнашган тақдирда улар моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қарори билан республика олий таълим муассасаларининг бакалав-

[57] «Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5657191

риат таълим йўналишига қўшимча оширилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабалар ўқишнинг иккинчи босқичидан бошлаб моддий ёрдам олишга ҳақлидирлар.

Моддий ёрдам кўрсатиш Ёшлар иттифоқи томонидан тўлов-контракт асосида ўқиш учун тузилган шартнома миқдорининг 35 фоизини тўлаш орқали амалга оширилади.

Бунда талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш улар томонидан шартномада белгиланган тўлов миқдорининг 65 фоизини белгиланган муддатларда тўлаш шарти билан амалга оширилади[58].

57-савол: Бакалавриат таълим йўналиши бўйича абитуриентларга қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, давлат олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклига кириш имтиҳонлари натижаларига кўра, таълим соҳалари кесимида, республика бўйича энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг 200 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти грантига даъвогар бўлади.

Президент грантига даъвогар бўлган абитуриентлар давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Президент гранти совриндорлари биринчи курсда барча фанларни «аъло» баҳоларга ўқиган, маънавий-маърифий ва илмий-тадқиқот йўналишларида ютуқларга эришган даъвогар талабалар орасидан белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов асосида аниқланади.

[58] «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва олий таълим муассасаларига тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори, 2018 йил 16 апрелда давлат рўйхатидан ўтказилган, рўйхат рақами 2999. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/3684377

Танлов натижаларига кўра ғолиб деб топилган талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси тайинланади.

Бунда талабага:

- Президент гранти учун белгиланган стипендия иккинчи курснинг ўқув йили бошидан ойма-ой тўланади ва шу муносабат билан унга умумий шартларда белгиланадиган стипендия тайинланмайди;
- ўқув семестри якунига кўра камида битта фандан ўзлаштириш кўрсаткичи «аъло» баҳо бўлмаганда, Президент гранти соҳибларига келгуси ўқув семестри мобайнида умумий тартибда белгиланадиган стипендия тайинланади ва тўланади;
- навбатдаги ўқув семестри якунига кўра барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат «аъло» баҳо бўлганда, Президент гранти учун белгиланган стипендия қайта тайинланади ва тўлаб борилади;
- ўқиш якунига қадар Президент грантини узлуксиз олган талабалар бакалавриат таълим йўналишига мос ва турдош мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади[59].

58-савол: Қайси тоифадаги шахслар ўқишга киришда тест синовларида иштирок этиш учун тўловлардан озод этилади?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ногиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар олий таълим муассасала-

[59] «Республика олий таълим муассасаларига талабаликка қабул қилинган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ–5172-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5493939

рига ўқишга киришда тест синовларида иштирок этиш учун белгиланган тўловлардан тўлиқ озод қилинган[60].

59-савол: : Хорижий тиллар ва умумтаълим фанларини ўрганиши учун ёшларга қандай шарт-шароитлар яратилган?



Жавоб: «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ умумий ҳисобда базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача бўлган миқдори ҳамда уларнинг миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатлари Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади[61].

60-савол: Ёшларни ишга қабул қилган ташкилотларга қайси турдаги имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига олти ойдан ошмаган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ харажатларнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача бўлган қисми тегишли ташкилотларга Давлат бюджетидан Ёш-

[60] «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 майдаги ПҚ–4319-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4334802

[61] «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5382151

лар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан ўтказиб бериш орқали қоплаб берилади[62].

61-савол: Таълим олаётган ёшларга яна қандай имкониятлар яратилган?



Жавоб: Профессионал таълим ташкилотларида (техникум, академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари) таҳсил олаётган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга улар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик субсидия ажратилади[63].

62-савол: Мамлакатимизда ёшларнинг саводхонлигини ошириш, уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга қаратилган қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?



Жавоб: Бугунги кунда давлат олий таълим муассасасининг ҳар бири 10 та маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктирилган бўлиб, таълим муассасаси раҳбарлари ҳар йили ўзлари бириктирилган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшайдиган уюшма-

[62] «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5382151

[63] «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5382151

ган ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, шу жумладан уларни хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, спорт, маданият ва китобхонлик тўгаракларига жалб қилиш орқали улар билан мунтазам равишда учрашувлар ташкил этилиб, очиқ давра суҳбатлари ва маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда[64].

[64] «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5382151

V боб. ЁШЛАРНИ СУБСИДИЯ ВА ГРАНТЛАР АСОСИДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



63-савол: Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга қайси турдаги субсидия ажратилади?



Жавоб: Маҳаллалардаги ёшлар етакчисининг хулосаси асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга 12 ойгача турар жой ижара суммасини қоплаш учун компенсация тариқасида – ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача миқдорда *(2026 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида БҲМнинг 3 баравари: 1 млн 320 минг сўм)* субсидия ажратилади[65].

64-савол: Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга қайси турдаги субсидия ажратилиши мумкин?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, маҳаллалардаги ёшлар етакчисининг хулосаси асосида психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия ажратилади[66].

65-савол: Ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчи, талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидия ажратиладими?

Жавоб: Мамлакатимиздаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни тўлов-контракт сум-

[65] «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/5831865

[66] «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/5831865



масининг 50 фоизигача бўлган қисмини қоплаб бериш учун ёшлар етакчисининг ижобий хулосаси асосида базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача *(2026 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида БҲМнинг 50 баравари: 22 млн сўм)* миқдорда субсидия ажратилиши мумкин[67].

66-савол: Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг яна қандай турдаги харажатлари қоплаб берилади?



Жавоб: Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курсида ўқиши билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача *(2026 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида БҲМнинг 4 баравари: 1 млн 760 минг сўм)* миқдорда субсидия ажратилади.

Ушбу субсидияни ажратиш фақат ёшлар етакчиси томонидан тақдим этилган хулоса асосида амалга оширилади[68].

67-савол: Даволаниши учун бемор ёшларга субсидия ажратилиши мумкинми?



Жавоб: Маҳаллаларга бириктирилган ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида аҳволи оғир бўлган 30 ёшдан ошмаган бемор фуқароларга тиббий муассасаларда даволаниш билан боғлиқ харажатларини қоплаш

[67] «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/5831865

[68] «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/5831865

учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади[69].

68-савол: Ёшларни рағбатлантириш мақсадида яна қандай турдаги субсидия ажратилиши мумкин?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишини рағбатлантириш ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача бўлган қисми ҳамда улар миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатлари субсидия ажратиш йўли билан қоплаб берилади[70].

Бундан ташқари, «2+6» дастурига мувофиқ хорижий тилларни (инглиз, немис, француз, япон, корейс ва хитой тили)ни ўрганаётган ёшларнинг нодавлат таълим ташкилотларида офлайн шаклда ўқиш харажатларининг бир қисми давлат томонидан субсидия ажратиш орқали қоплаб берилади.

Бунда хорижий тилларни билиш бўйича баллнинг (даражанинг) камида минимал кўрсаткичли сертификатига эга бўлган ёшлар ўқув маркази томонидан унга хорижий тилни ўргатиш хизматини кўрсатгани учун дастлабки икки ой учун ўқиш харажатини ўз ҳисобидан тўлаганда, кейинги олти ойгача ўқиш харажати Ёшлар ишлари агентлигининг ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар доирасида субсидия ажратиш орқали тўлаб берилади.

«2+6» дастурига мувофиқ ёшларга ҳар ой якуни бўйича қуйидаги миқдорда субсидия ажратилади:

[69] «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/5831865

[70] «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/5831865

- Тошкент шаҳрида – базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача;
- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 бараваригача;
- туман (шаҳар)ларда – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваригача.

Маълумот учун. Ёшларнинг фақат битта хорижий тилни ўқиш харажати учун субсидия ажратилади[71].

69-савол: Ногиронлиги бўлган ёшларга қандай турдаги субсидиялар ажратилади?



Жавоб: Ёшлар етакчисининг ижобий хулосаси асосида ногиронлиги бўлган ёшларни нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш ҳамда зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган миқдорда субсидия ажратилади[72].

[71] «Ёшларнинг ўқув марказларида хорижий тилларни ўқиш харажатлари учун субсидия ажратиш ҳамда ўқув марказларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 октябрдаги 632-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7759309

[72] «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/5831865

70-савол: Ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун субсидия ажратилиши мумкинми?



Жавоб: «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни, меҳнат қуролларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади[73].

Агар, улар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бино ва иншоотларни ижарага олган бўлса, бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган миқдори компенсация қилинади[74].

Бунда ҳар иккала ҳолатда ҳам субсидия маблағлари «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан ажратилади.

71-савол: Ёшлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг бандлигини таъминлаш мақсадида грант маблағлари ажратиладими?



Жавоб: Қонунчиликда белгиланишича, «Ижтимоий реестр»га киритилган оилалар учун «Ижтимоий дафтарлар» жамғармалари орқали камида 3 нафар хотин-қизлар, ёшлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг бандлиги ҳамда ижтимоий фаоллигини таъминлашга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш

[73] «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5382151

[74] «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5382151

учун тегишинча «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Саховат ва кўмак» жамғармалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 60 бараваригача грант маблағлари ажратилади. Грант маблағлари:

жисмоний шахсларга лойиҳани амалга ошириш учун зарур асбоб-ускуна, жиҳозлар, хомашё харид қилиб, олиб бериш ёки хизмат кўрсатиш учун ажратилади[75].

72-савол: Ногиронлиги бўлган ёшларнинг спорт ва санъат тўгаракларида шуғулланиши билан боғлиқ харажатлари қоплаб бериладими?



Жавоб: Ногиронлиги бўлган ёшларга параспорт тўгаракларига қатнашиши билан боғлиқ йўл ҳақи харажатлари «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача миқдорда (2026 йилнинг 1 *сентябрь* ҳолатида, БҲМ бир баравари 440 минг сўм) қоплаб берилади.

Мазкур ёрдам «Ижтимоий реестрга» киритилган оилаларнинг ногиронлиги бўлган 14-30 ёшдаги аъзолари учун ажратилади ва уларнинг ҳақиқатда параспорт тўгаракларига қатнашиши Спорт вазирлигининг «ERP-sport» ахборот тизими орқали мониторинг қилиб борилади. Ушбу ёрдам маблағлари такси хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига шартнома асосида ўтказиб берилади[76].

Шунингдек, 6 ой давомида мунтазам равишда спорт ва санъат тўгаракларига қатнашаётган Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларнинг 14-20 ёшдаги аъзолари учун қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан ошмайдиган спорт форма, инвентарь, мусиқа ва чолғу асбоблари маблағ ажратувчи томонидан харид қилиб, олиб берилади.

---

[75] «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–17-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7374261

[76] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. ПФ-17-сон. 30.01.2025. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7374261

73-савол: Деҳқон хўжалиги билан шуғулланаётган ёшлар учун қандай турдаги субсидия ажратилади?



Жавоб: Мамлакатимизда деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларни кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан патронажга олиш тизими жорий қилинган.

Бунда, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан «устоз-шогирд» тамойили асосида ёшларга ажратилган ер участкаларини ўзлаштириш, агротехник тадбирларни ўтказиш, ерлар ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилган маҳсулотни реализация қилиш ва бошқа масалаларда ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, «Ёшлар дафтари»га киритилган деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларга «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» ҳамда «Аёллар дафтари» жамғармалари ҳисобидан уруғликлар ва кўчатларни харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади[77].

74-савол: Ёшларнинг бошқа яна қандай харажатлари учун субсидия ажратилиши мумкин?



Жавоб: Ёшларнинг тадбиркорлик, анъанавий ва замонавий касбларни эгаллаш, ахборот технологияларини ўрганиш ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатлари учун ҳар ойда, бироқ 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда *(2026 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида БҲМ 4 баравари 1 млн 760 минг сўм)* субсидия ажратилади. Мазкур субсидия «Ижтимоий реестрга» киритилган оилаларнинг 14-30 ёшдаги аъзолари учун ажратилади. Ҳар ойлик субсидиялар миқдори ўтган ойда

[77] «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5382151

субсидия олган шахс томонидан ижтимоий шартнома шартларини бажариш даражасидан келиб чиқиб белгиланади. Бу маблағлар тегишли ўқув курсларининг ҳисобварақаларига ўтказилади [78].

75-савол: Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга яна қандай йўналишлар бўйича субсидия ажратилади?



Жавоб: Ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун ҳар ойда, бироқ 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга БҲМнинг бир бараваригача (2026 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида БҲМ бир баравари 440 минг сўм) субсидия ажратилади.

Мазкур субсидия «Ижтимоий реестрга» киритилган оилаларнинг 14-30 ёшдаги аъзолари учун ажратилади. Ҳар ойлик субсидиялар миқдори ўтган ойда олинган субсидия шартларини бажариш даражасидан келиб чиқиб белгиланади. Бу маблағлар тегишли таълим ташкилотларининг ҳисобварақаларига ўтказилади[79].

76-савол: Ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги тадбирларда қатнашиш харажатлари қоплаб бериладими?



Жавоб: «Ижтимоий реестр»га киритилган оилаларнинг 14-30 ёшдаги аъзоларининг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва

[78] «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–17-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7374261

[79] «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–17-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7374261

мусобақаларда қатнашиш харажатлари учун давлат томонидан бир йилда бир маротаба субсидия ажратилади.

Ушбу субсидия миқдори маҳаллий босқичдаги тадбирлар учун БҲМнинг тўрт бараваригача (2026 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, БҲМ бир баравари 440 минг сўм), халқаро босқичдаги тадбирлар учун БҲМнинг 40 бараваригача ажратилади[80].

77-савол: Ёшларни турли соҳалар бўйича ўқитишга жалб этган нодавлат таълим ташкилотлари учун қандай имтиёзлар мавжуд?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, ёшларга таълим, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг нотурар жой ижараси ёки зарур жиҳозлар билан таъминлаш харажатлари БҲМнинг 50 бараваригача (2026 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, БҲМ бир баравари 440 минг сўм) бўлган миқдорда бир маротаба қоплаб берилади. Мазкур тартиб чекка ва олис ҳудудлардаги қишлоқ жойлардаги ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади.

Маълумот учун. Ушбу ёрдамдан фойдаланиш учун нодавлат таълим ташкилотида ўқитиладиган ўқувчиларнинг камида 20 фоизини «Ижтимоий реестрга» киритилган оилаларнинг фарзандлари ташкил этиши лозим[81].

[80] «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–17-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7374261

[81] «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–17-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7374261

78-савол: Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун грантлар ажратиладими?



Жавоб: Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасидаги тадбирларни молиялаштириш учун грантлар ажратилади. Бундай грантлар маҳалла даражасида бир календарь ой учун БҲМнинг 20 бараваригача маҳалла-сектор-туман-ҳудуд даражасида ўтказиладиган тадбирлар учун ҳисоб-китобларга мувофиқ амалга оширилади[82].

[82] «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–17-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7374261



VI боб. ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

79-савол: Амалдаги қонунчиликда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган ёшларга қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Илгари ажратилган ерга қишлоқ хўжалиги экинларини экиб, камида 100 миллион сўм даромад олган ёшларга ўз фаолиятини кенгайтиришда янги имконлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари унумдорлигини ошириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–18-сон Фармонига асосан жорий этилган янгича тартиб асосида уларга қишлоқ хўжалиги экинлари майдонини кенгайтириш орқали даромад манбаини янада ошириш учун қўшимча ер майдонлари ажратилади[83].

80-савол: Ёшларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ёшларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг бизнес лойиҳалари хусусиятидан келиб чиқиб, 100 – 200 млн сўмдан, 2 – 2.5 млрд сўмгача имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган. Банк томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича йиллик фоиз ставкаси таркибидаги банк маржаси 5 фоиздан ошмаган миқдорда бўлиб, кредитлар лойиҳа ташаббускорига Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада асосий қарздан 1 йилгача ва фоиз тўловларидан 3 ойгача имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга берилади.

[83] «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 мартдаги ПФ–61-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7451522

Маълумот учун. Бунда Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган ёки оширилган тақдирда, ажратилган кредит бўйича фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолади[84].

81-савол: 100 млн сўмгача кредитлар ёш тадбиркорларнинг қайси тоифаларига ажратилади?



Жавоб: Тижорат банклари томонидан суғурта полиси таъминоти ёки учинчи шахс кафиллиги асосида 100 млн сўмгача бўлган кредитлар имтиёзли микроқарз сифатида қуйидаги субъектларга:

- якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритувчи ёшларга;
- деҳқончилик ва ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланадиган ёшларга;
- ижтимоий солиқ тўлаган ўзини ўзи банд қилган ёшларга ажратилади.

Бизнес лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб, кредитнинг 50 фоизгача қисми айланма маблағларни тўлдириш учун очиқ кредит линияси асосида ҳар 12 ойда сўндириш шарти билан 24 ойгача муддатга ажратилиши мумкин[85].

82-савол: Ёш тадбиркорларга 200 млн сўмгача бўлган имтиёзли кредит қандай тартибда ажратилади?

Жавоб: Тижорат банклари томонидан хизматлар ипотекаси ёки бошқа таъминот турлари асосида 200 млн сўмгача бўлган кредит-

[84] «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чоратадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/762191

[85] «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чоратадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7621917



лар камида 6 ойдан ортиқ муддат давомида фаолият кўрсатаётган қуйидаги субъектларга ажратилади:

– якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритувчи ёшларга;

– деҳқончилик ва ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланадиган ёшларга;

– ижтимоий солиқ тўлаган ўзини ўзи банд қилган ёшларга;

– устав фонди (устав капитали)даги улушининг камида 50 фоизи кредит ажратилиши вақтида ёш бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига (фуқароларига) тегишли бўлган юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига.

Мазкур имтиёзли кредит ёш тадбиркорларга магистраль ва ички йўллар бўйи, жамоат жойларида (шу жумладан, сайилгоҳлар, туристик масканлар, гастрономик ва ижод кўчаларида) кўчма ёки енгил конструкцияли савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари учун жиҳоз ва воситаларни харид қилиш учун ажратилади[86].

83-савол: 2 млрд сўмгача бўлган имтиёзли кредитлар ёшларнинг қайси турдаги бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилади?



Жавоб: Тижорат банклари томонидан таъминот турлари асосида 2 млрд сўмгача бўлган кредитлар қуйидаги субъектларга ажратилади:

– устав фонди (устав капитали)даги улушининг камида 50 фоизи кредит ажратилиши вақтида ёш бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига (фуқароларига) қарашли юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига;

– яратиладиган иш ўринларининг камида 50 фоизига ёшларни ишга жойлаштиришни назарда тутувчи лойиҳани амалга оширув-

[86] «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чоратадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7621917

чи юридик шахс сифатида фаолият кўрсатувчи кичик тадбиркорлик субъектларига.

Ушбу имтиёзли кредит ёш тадбиркорларга қуйидаги йўналишлар бўйича ажратилади:

- ички ва ташқи бозорларда талаб кўп бўлган юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги бизнес лойиҳаларни молиялаштириш;
- ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини харид қилиш, қурилиш ишларини амалга ошириш, асосий воситаларни сотиб олиш ҳамда айланма маблағларни шакллантириш;
- тижорат мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган автотранспорт воситаларини харид қилиш;
- савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш;
- ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, шу жумладан, рақамли технологиялар ва хорижий тиллар каби йўналишларда таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш;
- қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа йўналишлар бўйича ташкил этиладиган бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун[87].

84-савол: Ёш тадбиркорларга 2.5 млрд сўмгача бўлган имтиёзли кредитлар қандай мақсадлар учун ажратилади?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, тижорат банклари томонидан таъминот турлари асосида 2,5 млрд сўмгача бўлган кредитлар қуйидаги субъектларга:

[87] «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7621917

– аъзоларининг учдан икки қисмидан кўпроғини ёшлар ташкил этувчи қишлоқ хўжалиги кооперативларига;

– қишлоқ хўжалиги ерлари ажратилган ёшларга хизматлар кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги кооперативларига.

Бундай кредитлар мини трактор, культиватор, агротехник тадбирларни амалга ошириш, маҳсулотларни саралаш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ускуналарини харид қилиш ва суғориш тизимлари (қудуқлар бурғилаш) лойиҳалари учун ажратилади[88].

85-савол: Ёшларга ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун яна қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Ёшларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун бино ва иншоотларни қуриш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг бараваригача миқдорда (2026 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида БҲМ бир баравари 440 минг сўм) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қарз ажратилади.

Мазкур қарз лойиҳа ташаббускори бўлган қуйидаги субъектларга:

устав фонди (устав капитали)даги улуши камида 50 фоизи ёш бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига (фуқароларига) тегишли бўлган юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига;

яратиладиган иш ўринларининг камида 50 фоизига ёшларни (шу жумладан, «Ёшлар дафтари»га киритилганларни) ишга жойлаштириш бўйича лойиҳани амалга оширувчи юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига ажратилади[89].

---

[88] «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7621917

[89] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. ВМҚ-426-сон. 10.07.2025. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7621917 70

86-савол: Ёш тадбиркорларга таълим хизматлари кўрсатиш учун қандай имтиёзлар мавжуд?



Жавоб: Олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллалардаги ёшларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича таълим хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 320 бараваригача миқдорда фоизсиз қарз (ссуда) ажратилади.

Бундай қарз қуйидаги субъектларга берилади:

– якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритувчи ёш фуқароларга;

– устав фонди (устав капитали)даги улуши камида 50 фоизи қарз ажратилиши вақтида ёш бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига (фуқароларига) тегишли бўлган юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига ажратилади[90].

87-савол: Тадбиркорлик ташаббусига эга бўлган ёшларга қандай имкониятлар яратилган?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ «Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банки томонидан нодавлат таълим ташкилотлари, профессионал таълим муассасалари, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда унинг ҳудудий филиаллари махсус сертификатини олган ёшлар ўз бизнесини ташкил этиши учун ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади. Ушбу микрокредит 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга ҳоким ёрдамчисининг ўзига бириктирилган маҳаллада истиқомат қилаётган (жойлашган) қарз олувчига берадиган тавсияси асосида, боғдорчилик, узумчилик ва лимончи-

[90] «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7621917

ликни ташкил этиш учун 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга, чорвачилик (қорамол, қўй, эчки) учун 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказининг асослантирилган қарори асосида йиллик 14 фоиз ставкада ажратилади[91].

88-савол: Мамлакатимизда яқин келажакда «Ёшлар бизнеси» дастури доирасида яна қандай чора-тадбирлар амалга ошириш белгиланган?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги «Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–62-сон қарорига кўра бу борада бир қатор муҳим вазифалар белгиланди. Хусусан:

– «Ёшлар бизнеси» дастури доирасида 2025 – 2027 йилларда 350 минг нафар ёшлар қамраб олиниб, ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар учун камида 100 мингта қўшимча иш ўринлари яратилади;

– ёш тадбиркорларга комплекс хизматлар кўрсатиш, уларнинг фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида АТ «Алоқабанк»и таянч «ёшлар банки» этиб белгиланди;

– замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ёшларнинг стартап ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли молиявий маблағлар ажратилади;

– иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги, шу жумладан, рақамли технологиялар татбиқ этилган инновацион лойиҳалар

[91] «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ–4862-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5045889

ҳамда ижтимоий тадбиркорлик йўналишидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади[92].

89-савол: Ёш тадбиркорларнинг «Бизнесга биринчи қадам» лойиҳалари доирасида қандай ишлар амалга оширилади?



Жавоб: «Бизнесга биринчи қадам» лойиҳасига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган, ижтимоий солиқ тўлаган, ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга онлайн шаклда асосий қарздан 2 йилгача ва фоиз тўловларидан 3 ойгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга суғурта полиси таъминоти ёки учинчи шахс кафиллиги асосида 100 млн сўмгача маблағлар қуйидаги йўналишлар бўйича имтиёзли микроқарз сифатида ажратилади:

– томорқалардан самарали фойдаланиш мақсадида экин экиш ва етиштириш, чорвачилик, паррандачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишларидаги фаолиятни амалга ошириш учун;

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, ҳунармандчилик жиҳозларини сотиб олиш ва айланма маблағларни тўлдиришга;

– фан, санъат ва спорт йўналишларида ўз қобилиятини намоён этган иқтидорли ёшларни ҳамда фрилансерлик хизматларини кўрсатувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш учун[93].

[92] «Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПҚ–62-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7387025

[93] «Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПҚ–62-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7387025

90-савол: Ёш тадбиркорларнинг лойиҳалари юзасидан қандай ишлар амалга оширилади?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, «Ёшлар учун иш ўринлари» лойиҳаси асосида якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритувчи ёш фуқароларга, шунингдек, таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахс сифатидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг камида 20 нафар ёшларга иш ўрни яратишни назарда тутувчи лойиҳаларига 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга 5 млрд сўмгача маблағлар қуйидаги йўналишлар бўйича ажратилади:

ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини харид қилиш, қурилиш ишларини амалга ошириш, асосий воситаларни сотиб олиш ҳамда айланма маблағларга;

тижорат мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган автотранспорт воситаларини харид қилиш учун;

савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилишга;

ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, шу жумладан, рақамли технологиялар ва хорижий тиллар каби йўналишларда таълим хизматлари фаолиятини ташкил этиш учун[94].

91-савол: Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича яна қандай лойиҳалар амалга оширилади?



Жавоб: «Инновацион ёшлар» лойиҳаси бўйича венчур жамғармалари орқали ёшлар қуйидаги йўналишларда қўллаб-қувватланади:

ёшларнинг стартап лойиҳалари учун капитал инвестициялар киритиш;

[94] «Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПҚ–62-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7387025

илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва стартаплар учун инфратузилмани ривожлантиришга қарз маблағлар ажратиш;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш учун шароит яратиш, шу жумладан, робототехника йўналишидаги замонавий асбоб-ускуналар ва лабораториялардан фойдаланишда уларни имтиёзли молиявий қўллаб-қувватлаш;

стартап-инкубаторлар, технопарклар ва тадқиқот марказларини яратишга инвестициялар киритиш;

халқаро танловлар, конференциялар ва кўргазмаларда иштирок этишни қўллаб-қувватлаш[95].

[95] «Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПҚ–62-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7387025

VII боб. ЁШЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИНГ ЎРНИ ВА УЛАРГА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАР



92-савол: Ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида яна қандай чора-тадбирлар белгиланган?



Жавоб: Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада кучайтириш мақсадида жойларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилган ва уларнинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

ёшларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, жамият учун фойдали ва умуммиллий манфаатларга хизмат қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

ёшларнингиқтидориваистеъдодинирўёбгачиқаришгақаратилган тадбирларни ташкил этиш, «Беш ташаббус олимпиадаси»ни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш орқали бандлигига кўмаклашиш;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ижтимоий ҳамкорлик тамойилига асосланишини таъминлаш[96].

93-савол: Ёшлар етакчисининг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича уларга қандай имкониятлар яратилган?



Жавоб: Аввало, ёшлар етакчисининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қуйидагича белгиланган:

[96] «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7621917

– хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдорида *(2026 йил 1 сентябрь ҳолатида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 1 млн 360 минг сўмни ташкил этади)*;

– хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5,5 баравари миқдорида;

– хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 баравари миқдорида этиб белгиланган[97].

Бундан ташқари, жойларда ёшлар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил этиб, ўзининг шахсий фазилатлари билан уларга намуна бўлаётган ёшлар етакчилари «Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси» кўкрак нишони билан тақдирланиши ҳамда ҳар чоракда ўз фаолиятини амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган мамлакатимиз бўйича энг илғор 100 нафар ёшлар етакчилари бир ойлик иш ҳақи миқдорида бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши мумкин.

Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ёшлар етакчиларининг фаолият самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, етакчилар ҳар чорак якуни бўйича ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача миқдорда Агентлик томонидан тақдирланиши мумкин.

Шу жумладан, бошқа ҳудудлардан келиб ўз фаолиятини олиб бораётган ёшлар етакчиси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача бўлган миқдорда турар жой ижара тўлови қоплаб берилади ва йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган ёшлар етакчиларига ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 50 фоизи миқдорида, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–33-сон Фармонига мувофиқ белгиланадиган уй-

[97] «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7621917

жойни ҳисобланган қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади[98].

Шунингдек, ёшлар етакчиси лавозимига ишга қабул қилинган шахсларнинг ҳарбий ва махсус унвонлари сақлаб қолинади, ёшлар етакчиси лавозимидаги иш стажи навбатдаги ҳарбий ва махсус унвонлар олишда ҳисобга олинади, шунингдек, уларга олдинги иш жойига қайтганида қонунчиликда белгиланган барча имтиёзлар татбиқ этилади[99].

94-савол: «Мозийга саёҳат» дастури доирасида ёшларга қандай имкониятлар тақдим этилган?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ туризм инфратузилма субъектларига чегирма тақдим қилиш ва акциялар ўтказиш тавсия этилган бўлиб, «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар ва ногиронлиги бўлган шахслар давлат музейларига бепул кириб, музейни саёҳат қилишлари мумкин[100].

95-савол. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга қайси турдаги имтиёзлар берилган?

Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож янги турмуш қураётган ёш оилаларга ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриши учун тижорат банклари томонидан 33 миллион сўмгача

---

[98] «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7621917

«Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/5831865

[99] «Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 426-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7621917

[100] «Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 майдаги ПҚ–261-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6040013



гаровсиз кредит ажратишга ёшлар етакчисининг тавсиясига кўра кафиллик берилади.

Бундан ташқари, уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тўлашда алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублиги бўйича тавсия берилиши мумкин. Ушбу субсидияни ажратиш ёшлар етакчиси томонидан тақдим этилган хулоса асосида амалга оширилади[101].

96-савол: Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Қонунчилик ҳужжатларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларини тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига мансуб бўлиб, уларни ишга жойлаштириш соҳасида давлат кафолатлари белгиланган. Жумладан, ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ белгиланадиган энг кам иш ўринлари ҳисобидан захирадаги иш ўринларига маҳаллий меҳнат органларининг йўлланмаси билан ишга жойлашиш кафолатланган.

Бундан ташқари, ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар меҳнатга оид якка тартибдаги ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шарт-шароитлари соҳасида эса улар учун меҳнат тўғрисидаги ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар[102].

[101] «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/5831865

[102] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288



VIII боб. ЁШЛАРНИНГ МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

97-савол: Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан қандай имтиёзлар белгиланган?



Жавоб: Қонунчилик ҳужжатларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларини тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига мансуб бўлиб, уларни ишга жойлаштириш соҳасида давлат кафолатлари белгиланган. Жумладан, ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ белгиланадиган энг кам иш ўринлари ҳисобидан захирадаги иш ўринларига маҳаллий меҳнат органларининг йўлланмаси билан ишга жойлашиш кафолатланган.

Бундан ташқари, ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар меҳнатга оид якка тартибдаги ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шарт-шароитлари соҳасида эса улар учун меҳнат тўғрисидаги ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар[103].

98-савол: Ёшларни ишга қабул қилишда неча ёшдан йўл қўйилади?



Жавоб: Ёшларни меҳнатга тайёрлаш уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий камол топишига зиён етказмайдиган, ўқитиш жараёнини бузмайдиган енгил меҳнатни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун ишга қабул қилишга — улар ўн беш ёшга тўлиши билан ота-онадан бирининг (ота-онасининг ўрнини босувчи шахснинг) ёзма розилиги билан йўл қўйилади. Маданий-томоша ташкилотларида, телевидение, радиоэшиттириш ва бошқа оммавий ахборот

[103] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288

воситаларида, шунингдек профессионал спортчилар билан ота-онанинг ҳар иккисининг (ота-она ўрнини босувчи шахснинг) розилиги ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан асарларни яратиш ва (ёки) ижро этишда (кўргазмага қўйишда) иштирок этиш учун ўн беш ёшга тўлмаган шахслар билан ҳам меҳнат шартномаси тузилиши мумкин. Бундай ҳолда ходимнинг номидан меҳнат шартномасини унинг ота-онаси (ота-онасининг ўрнини босувчи шахс) имзолайди. Васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатномасида ҳар кунлик ишнинг энг кўп йўл қўйиладиган давомийлиги ҳамда иш бажарилиши мумкин бўлган бошқа шартлар кўрсатилади[104].

99-Савол: Ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг меҳнатидан қандай ишларда фойдаланиш тақиқланади?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг меҳнатидан меҳнат шароити зарарли ва (ёки) хавфли бўлган ишларда, ер ости ишларида, шунингдек бажарилиши уларнинг ҳаётига ва соғлиғига, хавфсизлигига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда (тунги кафе ва клубларда, спиртли ичимликларни, тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни, токсик препаратларни ишлаб чиқариш, ташиш ҳамда сотиш ва бошқалар) фойдаланиш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг улар учун белгиланган энг кўп нормалардан ортиқ бўлган оғирликдаги юкларни кўтариши ва ташишига йўл қўйилмайди[105].

[104] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288

[105] Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. 30.04.2023. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288

100-савол: Ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилиши шартми?



Жавоб: Ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар дастлабки мажбурий тиббий кўрикдан ўтганидан сўнг ишга қабул қилинади ва кейинчалик улар ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар ҳар йили мажбурий тиббий кўрикдан ўтиб бориши лозим.

Ходимларни мажбурий тиббий кўриклардан ўтиши иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади[106].

101-савол: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги белгиланганми?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, иш вақтининг давомийлиги ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган этиб белгиланган.

Ўқув йили давомида ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг иш вақти давомийлиги юқорида кўрсатилган ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақтини энг кўп давомийлигининг ярмидан ошиши мумкин эмас[107].

102-савол: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ҳар кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги қатъий этиб белгиланганми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига кўра, ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ҳар кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги қуйидагича этиб белгиланган:

[106] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288

[107] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288



– ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган ходимлар учун – олти кунлик иш ҳафтасида – тўрт соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида – беш соатдан, ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун эса олти кунлик иш ҳафтасида – олти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида – етти соату ўттиз дақиқадан;

– ишни ўқиш билан бирга олиб борувчи умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилари учун – олти кунлик иш ҳафтасида – икки соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида – икки соату ўттиз дақиқадан, ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилари учун эса олти кунлик иш ҳафтасида – уч соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида – тўрт соатдан ошиши мумкин эмас[108].

103-савол: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларни қандай ишларга жалб қилиш мумкин эмас?



Жавоб: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларни хизмат сафарига юбориш, иш вақтидан ташқари ишларга, тунги ишларга, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларга жалб қилиш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар маданий-томоша ташкилотларининг, телевидение, радиоэшиттириш ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ижодий ходимлари, профессионал спортчилар, шунингдек асарлар яратишда ва (ёки) ижро этишда (намойиш этишда) иштирок этувчи бошқа шахслар Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика комиссияси билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ишлар, касблар, лавозимлар рўйхатларига мувофиқ хизмат сафарига юборилиши, иш вақтидан ташқари ишларга, тунги ишларга, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларга жалб қилиниши мумкин[109].

[108] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288

[109] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288

104-савол: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга йиллик узайтирилган меҳнат таътили берилиши мумкинми?



Жавоб: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга давомийлиги камида ўттиз календарь кун бўлган йиллик меҳнат таътили берилади ва улар бу таътилдан ўзлари учун қулай бўлган исталган вақтида фойдаланиши мумкин.

Агар йиллик меҳнат таътили берилаётган вақтда ходим ўн саккиз ёшга тўладиган ва тўлиб бўлганидан кейинги даврларни қамраб олса, таътилнинг давомийлиги ходим ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар ва ўн саккиз ёшга тўлганидан кейинги ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқиб белгиланади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларни йиллик меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмайди[110].

105-савол: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш қандай тартибда амалга оширилади?



Жавоб: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг меҳнатига (иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида) ҳақ тўлаш, худди иш вақти давомийлиги тўлиқ бўлган ходимларнинг тегишли тоифалари учун тўланадиган миқдорда амалга оширилади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар меҳнатига вақтбай ҳақ тўлашда ҳар кунги ишнинг тўлиқ давомийлигида тегишли тоифадаги ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш даражасига қадар қўшимча ҳақ тўланади.

Ишбай ишларга қўйилган ўн саккиз ёшга тўлган ходимлар меҳнатига катта ёшдаги ходимлар учун белгиланган ишбай нархлар бўйича ҳақ тўланиб, бунда ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг ҳар кунги иш вақти давомийлиги ўн саккиз ёшга тўлган ходимларнинг ҳар кунги иш вақти давомийлигига нисбатан қисқартирилган вақт учун тариф ставкаси бўйича қўшимча ҳақ тўланади.

[110] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288

Ўқув йили давомида ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар меҳнатига ишлаган вақтидан келиб чиқиб ёки ишлаб чиқариш натижасига қараб ҳақ тўланади[111].

106-савол: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходим билан тузилган меҳнат шартномаси қандай тартибда бекор қилиниши мумкин?



Жавоб: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади[112].

107-савол: Ўн саккиз ёшгача бўлган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида кимлар талабнома киритиши мумкин?



Жавоб: Ота-онадан бири (ота-она ўрнини босувчи шахс), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органлар ҳамда болалар масалалари бўйича комиссиялар, агар ишни давом эттириш ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳаётига ва соғлиғига, хавфсизлигига ҳамда маънавий жиҳатдан камол топишига таҳдид солаётган бўлса ёки уларга бошқача тарзда зиён етказиши мумкин бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидирлар[113].

---

[111] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288

[112] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (28.10.2022 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288

[113] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. (2022 йил 28 октябрда қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/6257288



IX боб. АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЁШЛАРГА БЕРИЛГАН АЙРИМ ИМТИЁЗЛАР

108-савол: Қайси тоифадаги ёшларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилади?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка кўра, болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар, етим болалар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича 18 ёшга тўлмаган патологияли болалар, Чақирув комиссияларининг йўлланмалари бўйича чақирув ёшидаги (18 – 27 ёшдаги) шахсларга, «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг аъзоларига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт муассасалари томонидан бепул тиббий ёрдам кўрсатилади[114].

109-савол: Белгиланган турдаги касалликларга чалинган ёшлар учун қандай имтиёзлар мавжуд?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган (21 ёш ҳам киради) беморлар тегишли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси ва онкологияси бўлимларида, шунингдек, улар вояга етгунларига қадар ушбу касаллик бўйича тиббий ёрдам кўрсатган бошқа тиббиёт муассасаларида бепул даволанишни давом эттириши белгиланган[115].

[114] «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ–3214-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/170143

[115] «Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 майдаги ПҚ–183-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://www.lex.uz/docs/6935235

110-савол: Ёшларга тиббий хизматлардан фойдаланиши учун яна қандай имкониятлар яратилган?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–311-сон қарорига кўра, вояга етмаганлар ва таълим муассасалари ўқувчи-талабалари 2026 йил 1 январдан бошлаб давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда ва ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасаларида режали стационар тиббий ёрдамни электрон навбат асосида бепул олиш ҳуқуқига эга бўлади[116].

111-савол: Яна қайси тоифага мансуб ёшларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилади?



Жавоб: Чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича 15 – 17 ёшдаги ўсмирлар ва чақириқ ёшидаги (18 – 27 ёш) шахсларга вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тиббий ёрдам кўрсатилади[117].

112-савол: Қайси тоифадаги ёшлар тиббиёт муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилиниши мумкин?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

[116] «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ–311-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://www.lex.uz/docs/7098084

[117] «Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/1330385



вазирлиги тизимининг турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 31-сон қарори билан тасдиқланган низомга кўра, 8 ёшгача бўлган болалар, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва чақириқ комиссиялари хулосалари асосида мудофаа ишлари бўлимларининг йўлланмалари бўйича юборилган 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган чақириқ ёшидаги шахслар тиббиёт муассасаларида овқатланиш тўловидан тўлиқ озод этилган[118].

113-савол: Ижтимоий эҳтиёжманд ёшларнинг даволаниш билан боғлиқ харажатлари қоплаб бериладими?



Жавоб: Қонунчиликка мувофиқ ижтимоий эҳтиёжманд ёшларнинг даволаниши билан боғлиқ харажатлар белгиланган тиббиёт ташкилотида даволаш ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилганидан сўнг «Ижтимоий дафтарлар» жамғармалари ҳисобидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали қоплаб берилади. Бунда ижтимоий эҳтиёжманд ёшларнинг даволаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш харажатлари 14 – 30 ёшдаги шахслар учун «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади[119].

Ушбу ёрдам тури жарроҳлик амалиётисиз даволаниш учун – БҲМнинг 50 бараваригача, жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун – Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан қопланиши белгиланган базавий нархлар доирасида берилади.

---

[118] «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги 31-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/2898879

[119] «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–17-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/7374261

Мазкур ёрдам «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилалар ҳамда ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваригача бўлган оилаларнинг 14 – 30 ёшдаги аъзоларига тақдим этилади.



X боб. ЁШЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

114-савол: Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёшларга солиқ имтиёзи белгиланганми?



Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига кўра, магистраль автомобиль йўллари бўйида кўчма савдо объектларини ташкил этган ўттиз ёшдан ошмаган ёшлар ўз фаолиятини амалга оширишни бошланган санадан эътиборан дастлабки олти ой давомида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича солиқларни тўлашдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади[120].

115-савол: Ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари учун солиқ имтиёзлари мавжудми?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ касбга ўргатиш учун мактаблар, коллежлар ва техникумлар ўқувчиларини (ўттиз ёшдан ошмаган) ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари мазкур ходимларга тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлаш имтиёзига эга ҳисобланади[121].

116-Савол: Иш берувчилар учун яна қандай солиқ имтиёзлари белгиланган?



Жавоб: Солиқ кодексига мувофиқ республикамиз ҳудудида жойлашган болалар ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек санаторий-курорт ҳамда шу каби муассасаларга ўз ходимларининг ўн олти

[120] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (30.12.2019 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4674902

[121] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (30.12.2019 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4674902

ёшгача бўлган болалари (ўқийдиганларга — ўн саккиз ёшгача) учун берилган йўлланмалар қийматини иш берувчи томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари солиқ солинмайдиган даромадлар таркибига киритилган ва даромад солиғидан озод этилган[122].

117-савол: Амалдаги қонунчиликда таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг тўлов-контрактлари бўйича тўловлар учун солиқ имтиёзи белгиланганми?



Жавоб: Солиқ кодексининг 378-моддасига кўра, республикамизнинг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, фарзандларининг, шунингдек йигирма олти ёшга тўлмаган эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўловлар солиқ солинмайдиган даромадлар таркибига киритилган ва ушбу тўловлардан даромад солиғи ундирилмайди[123].

118-савол: Қайси тоифага мансуб ёшлар мол-мулк солиғидан озод этилган?



Жавоб: Солиқ кодексининг 421-моддасига кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар мулкида бўлган мол-мулк солиқ солишдан озод этилган. Мазкур имтиёз уларга давлат томонидан ажратиладиган уй-жой учун улар йигирма уч ёшга тўлгунга қадар амал қилади[124].

[122] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 30.12.2019. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4674902

[123] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (30.12.2019 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4674902

[124] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (30.12.2019 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4674902

XI боб. ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ АСОСЛАРИ



119-савол: Вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигининг хусусиятлари нималардан иборат?



Жавоб: Суд вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда уларнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олади.

Ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси – ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд Жиноят кодексида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин[125].

120-савол: Вояга етмаган шахсларга нисбатан қандай турдаги жазолар қўлланиши мумкин?

Жавоб: Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуйидаги асосий жазолар қўлланиши мумкин:

[125] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (22.09.1994 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/111453#195708



– жарима;

– мажбурий жамоат ишлари;

– ахлоқ тузатиш ишлари;

– озодликни чеклаш;

– озодликдан маҳрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас[126].

121-савол: Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга жарима жазоси қандай тарзда тайинланади?



Жавоб: Вояга етмаган шахсларга нисбатан жарима жазоси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.

Маҳкум жарима тўлашдан олти ой муддат мобайнида бўйин товласа, суд тўланмаган жарима миқдорини базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримани мажбурий жамоат ишларининг икки соатига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо билан ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги жаримани ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо билан алмаштирилиши мумкин[127].

[126] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (22.09.1994 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/111453#195708

[127] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (22.09.1994 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/111453#195708

122-савол: Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга мажбурий жамоат ишлари жазоси қандай тартибда тайинланади?



Жавоб: Мажбурий жамоат ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар томонидан мажбурий жамоат ишларини бажариш муддати, агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, олти ой давомида кунига икки соатдан ошмаслиги, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига икки соатдан ошмаслиги керак.

Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради[128].

123-савол: Вояга етмаган шахсларга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қандай тартибда тайинланади?



Жавоб: Ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

Агар вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш

[128] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (22.09.1994 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/111453#195708

ишларининг ҳар уч кунини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши мумкин[129].

124-савол: Ёшларга нисбатан озодликни чеклаш жазоси тайинланиши мумкинми?



Жавоб: Озодликни чеклаш вояга етмаган шахсларга нисбатан асосий жазо тури сифатида бир ойдан икки йилгача муддатга тайинланиши мумкин[130].

125-савол: Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қандай тартибда тайинланади?



Жавоб: Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси бир ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят содир этиш пайтида ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- оғир жиноят учун – олти йилгача;
- ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- оғир жиноят учун – етти йилгача;
- ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

[129] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (22.09.1994 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/111453#195708

[130] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (22.09.1994 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/111453#195708

Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди[131].

126-савол: Вояга етмаган шахсларга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси қўлланиши мумкинми?



Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун – ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Бироқ маъмурий қамоққа олиш чораси ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас[132].

127-савол: Вояга етмаган шахслар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилиши мумкинми?



Жавоб: Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш ҳуқуқбузарни ижтимоий фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий равишда жалб этишдан иборат бўлиб, у судлар томонидан саккиз соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади. Агар ҳуқуқбузар ўқиётган бўлса, жамоат ишлари ўқишдан бўш вақтда бажарилади. Ҳуқуқбузар ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг турлари мазкур жазонинг ижроси-

[131] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (22.09.1994 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/111453#195708

[132] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. (22.09.1994 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/97664

ни назорат қилувчи органлар – ички ишлар органларининг проба-ция бўлинмалари томонидан белгиланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс-ларга нисбатан қўлланилмайди[133].

128-савол: Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шах-сларга нисбатан маъмурий жарима бўйича чиқарилган суд қарорини ижро этиш қандай тартибда амалга оши-рилади?



Жавоб: Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топ-ширилган кундан бошлаб ўттиз кундан ке-чиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда – улар қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим. Агар ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-онала-ри ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади[134].

[133] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. (22.09.1994 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/97664

[134] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. (22.09.1994 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/97664

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА

ҚЎЛЛАНМА

Ўзбек тилида

Нашр учун масъуллар:
Беҳзоджон Юсупов
Шерзод Абдуллаев
Музаффар Ахмедов

Муҳаррир:
Дилором Маткаримова

Саҳифаловчи дизайнер:
Хуршид Холиёров

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.
Нашр. лиц. АИ № 032, 29.10.2019.
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй.
Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47
Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz
e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 16.10.2026 й.
Қоғоз бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. «Calibri» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 6,5.
Нашриёт ҳисоб табоғи 5. Адади 300 нусха.
-буюртма.